

Ғийбатдан тийилишнинг фойдалари (1-қисм)



22:34 / 01.05.2018 3459

Аллоҳ таоло учун ғийбатни тарк этган киши улуғ мартабаларга эришади. Қуйида ғийбатни тарк этиш ва тилни одамлар шикоятидан тийишдаги фойдаларни санаб ўтамиз.

Биринчи фойда: мусулмонлар гўштини ейшдан сақланиш.

Ғийбат қилиш мусулмоннинг гўштини ейиш билан баробар экани юқорида кўп мартаба зикр этилди.

Ҳикоя. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам баъзи кишиларга: «**Хилол қилинглар, яъни тишларингиз орасини бирор нарса билан тозалаб ташланглар**», дедилар. Улар: «Эй Аллоҳнинг Набийси, биз бугун бирор таом емадик», дейишди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «**Мен тишларингиз орасида фалончининг гўштини кўряпман**», дедилар. Дарҳақиқат, улар ўша айтилган кишини ғийбат қилишган эди.

Ҳикоя. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ғийбат ҳақида сўрашган эди, шундай дедилар: «Бир куни жума тонгида бир қўшни ансория аёл ёнимга келди. Иккимиз баъзи эркак-аёлларни ғийбат қилиб, уларнинг устидан кула бошладик. Шу пайт Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам бомдод намозини адо қилиб қайтиб қолдилар. Биз жим бўлиб қолдик. У зот эшик ёнига келиб, ридоларининг бир чети билан муборак бурунларини ёпдилар, сўнг: «**Уфф! Боринглар, икковингиз ҳам қусиб, сув билан**

покланинглар», дедилар. Чиқиб, жуда кўп гўшт қусдим. Гўштинг кўплигини кўргач, охирги еган гўштимни эсласам, бундан икки жума олдин еган эканман. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу ҳақда сўраган эдим, у зот: **«Бу ҳозиргина еб турган гўшларингиздир. Сен ҳам, дугонанг ҳам иккинчи бундай ғийбат қилманглар»**, дедилар. Кейин дугонам ҳам менга ўхшаб гўшт қайт қилганини айтди».

Иккинчи фойда: зино гуноҳига баробар келадиган гуноҳдан сақланиш.

Ғийбат зинодан ҳам ёмондир. Чунончи, бу ҳақда жуда кўп ҳадислар юқорида келтирилди. Қуйидаги ҳикоя ҳам уларни тўлдиради.

Ҳикоя. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Рибонинг етмиш нечта ҳам тури бор. Уларнинг энг енгили мусулмон одамнинг ўз онаси билан зино қилганидекдир. Рибонинг бир дирҳами ўттиз бешта зинодан ёмонроқ. Рибонинг энг ёмони – мусулмон биродарининг обрўсини тўкишдир».**

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов